

ШАРТНОМА № 47484

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

« 11 » 10 2022 йил

Фаргона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби номидан раҳбар У.Холматов бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **FOR TRADE WORK BUSINESS** раҳбари Ш.Қамолитдинов низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади ва қўйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини олади.
- 1.2.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

т/р №	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси(ҚҚСсиз)
1	Матрац	Дона	100	179 900	17 990 000
2	Одеяло	Дона	100	84 900	8 490 000
3	Подушка	Дона	100	53 900	5 390 000
	Жами				31 870 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 31 870 000 (Ўттиз етти миллион саккиз юз етмиш минг) (рақамлар, езувлар билан) ҚҚСсиз.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1.3. «Буюртмачи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорида пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Қолган 70 % ини 30 (ўттиз) кун ичида амалга оширилади.

1.4. Товарлар «Бажарувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 5 кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт. (товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертфикати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари: - Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарҳоманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Бажарувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари: - «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3 кун ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 20% миқдорда жарима тўлайди.

7.4. «Буюртмачи» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдорда «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текшириш органлари томонидан етказиб берилган махсулот нархлари юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан ққопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч _1_ ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир- бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.



IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабрғача амалда булади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)да руйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Бажарувчи»	«Буюртмачи»
For trade work business	Автомобилчилик
(мол етказиб берувчининг номи) MCH	(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Tashkent Shahar	Манзил: Tashkent, 23
Тел./факс	Тел./факс 992308606
X/р, 2020 8000 9055 5190 2001	ш/х* 100000030000000000000002
Банк номи "Trust bank" XA Tashkent Shahar fil	СТИР: 20081417 ОКОНХ: 92120
МФО 01123 СТИР 309 731 286	Тошкент шаҳар Марказий банк
ОКОНХ	Молия Вазирлиги, Ғазначилиги
V	Ғазнаҳв: 23402000300100001010
Раҳбар  (Ф.И.Ш)	Раҳбар  (Ф.И.Ш)

ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунга мос равишда тўзилган. Хуқуқшунос:



ТАСДИҚЛАЙМАН

Фарғона имконияти чекланган шахслар учун
ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби



У.Холматов

11.10.2022 йил

Фарғона

Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби томонидан 05.10.2022 йил кунги лот №22110012156084 билан Ётоқхоналар учун сифатли матрац(Матрас 80x200 материал бамбук 7 кг пахта),кўрпа(Курпа 210x145 материал бамбук 3 кг пахта),ёстик(Ёстик 62x64 материал бамбук 1,7 кг пахта)ларни етказиб ва ўрнатиб бериш хизмати бўйича давлат харидлари порталига кўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 1

Қатнашдилар:	У.Холматов	- Директор
	И.Отабеков	- Директор ўринбосари.Котиб
	Х.Турсунов	- Кафедра мудири
	У.Хошимов	- Ўқитувчи
	Д.Ғаниев	- Директор ўринбосари
	Ф.Мирзаева	- Бош уста

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. FOR TRADE WORK BUSSINESS
2. ООО SOFUNA
3. IMKON TRAYDES YANGIYER MCHJ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи FOR TRADE WORK BUSSINESS MCHJ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

 У.Холматов

 Х.Турсунов

 У.Хошимов

 Д.Ғаниев

 Ф.Мирзаева

Йиғилиш котиби:

 И.Отабеков